14 897

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 9 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 52 (6948)

Da'vat

Ақл қувватни оромдан эмас, машқдан олади.

А. Поп.

Ibrat

Яқинда Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги 16 ва 33-Янгиқўрғон туманидаги 1, 22 ва 23-мактабларнинг педагогик жамоалари синф хоналарини четдан молиявий ёрдам олмай, ўз кучлари билан таъмирланди. Зиё маскани жамоалари таъмирлаш учун зарур пулни жамоа хўжаликлари томонидан ажратилган ер участкаларидан меҳнат қилиб топдилар.



Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 120-болалар боғчасида соғломлаштириш мавсуми мазмунли ўтаяпти. Ўз номи билан «Гўзал» деб номланган мазкур чиройли гўшадаги кўкаламзор, дов-дарахтларнинг соя-салқин бағрида, турфа гуллар уфуриб турган гулзор атрофиочиқ ҳавода мириқиб дам олмоқдалар. Бу ерга снаряд ўйинлари ўрнатилган. Мазкур ўйин асбобларида жажжи ўғил-қизлар турникда осиладилар, арғимчоқ, сирпанчиқ учадилар. Хуллас, умумий саломатликлари учун жуда фойдали бўлган қўл, оёқ, бадан мускулларини чиниқтирадилар.

Кичкинтойларга йигирма икки йиллик тажрибага эга бўлган Вазира Фозилова мураббийлик қилаётир. Кичкинтойлар масканида табиат ва экология йўналиши бўйича иш олиб борилади. Тошбақа, қуш ва балиқлардан иборат тирик бурчак мавжуд. Гулнора Абдуллаева болажонларга қушлар ва ҳайвонларнинг инсон ва табиат учун фойдаси, уларни асраш ва парвариш қилиш ҳақида сўзлаб бермоқда. Ушбу кичкинтойлар масканида гуллар ва ўсимликларни парвариш қилиш йўллари ҳам ўргатиляпти.

СУРАТЛАРДА: Тарбиячи Гулнора Абдуллаева болаларга тошбақа ҳақида тушунча бермоқда. Болалар тажриба участкаларидаги гулларга ишлов берётирлар. Васила Носирова жажжи спорт ишқибозларига шашка ўйини сирларини ўргатаётир.

Р.АЛЬБЕКОВ суратлари.

Munosabat

МИЛЛИЙ ДАСТУРДА МУАЛЛИМ ЎРНИ

Йигирма биринчи аср бусағасидамиз. Мамлакатимизга мустақиллик бахш этган эркни ҳар биримиз ўзимизча ҳис қиларок ўзлигимизни англамоқдамиз. Ҳаётга теранроқ боқишга, туб ислоҳотларнинг моҳиятини тушуниб етишга, истиқбол манзилларини кўзлашга ҳам ўрганиб қолдик.

Ҳаёт — ёркин кўзгу. У мамлакатимиз танлаган тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидаги дастлабки натижаларни кўз-кўз қиляпти бугун. Ана шу ошкоралик туфайли, аввало, эзу юртимизни жаҳон таниятти, ватанимиздаги қисқа муддат ичида юз бераётган катта ўзгаришларни қизиқиш ва манфаатдорлик билан кузатиб бормоқда. Қадим-қадимдан маданият ўчоқларидан бири бўлган, замини бой, эли меҳнаткаш ва яратувчи бу ўлканинг миллий тикланиб, иқтисодий юксалишга юз тутиши мухолифларимизнинг ҳам, дўстларимизнинг ҳам ақлини лол қолдираётгани ҳақиқат бугун. Ўзбекистон пахтаси, пилласи ёки олтини билангина эмас, бошқа маҳсулотлари билан ҳам жаҳон бозорига кириб бормоқда: УзДЭУ автомобиллари! Ўзбекистон самолётлари халқаро қўргазмада... Бу сингари юрт шарафини ёйувчи иборалар кўп ўтмай Ўзбекистон нефть маҳсулотлари, Ўзбекистон газламалари, яна қанчадан-қанча маҳсулотлари, илмий кашфиётлари ҳақида ҳам айтилажак.

Мамлакатимизнинг яқин йиллардаги оламшумул шуҳратини, буюк келажагини таъминловчилар — бу кадрлардир. Шу боис юртбошимиз нутқларида, ҳукуматимиз қарор ва фармойишларида республикада таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» долзарб вазифа қилиб қўйилаётир. Бугунги кунда илмий асосга таяниб мустақил фикрлайдиган, юксак маданиятли миллий кадрларни тайёрлайдиган таълим тизими мамлакат учун сув ва ҳаводек зарур.

Бугун тўққиз йиллик мажбурий, яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълим тизимини жорий этиш мақсади ҳақида гап кетар экан, нега мавжуд, яъни шўролар даврида жорий этилган таълим тизими мамлакатимиз талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, ҳанузгача мавжуд 11 йиллик таълим тизими шўролар даврида жорий этилган бўлиб, унинг мақсади ва мазмуни ўша давр мафкурасига асосланган ҳамда асосан чаласавод миллий кадрларни етиштиришга йўналган эди. Чунки қизил империяга кўпроқ мустақил фикр эгаси бўлмаган, ҳаётий тайёргарлиги саёз, буйруқларга кўр-кўрона бўйсинувчан меҳнат кишилари зарур эди. Таълим-тарбия мазмунига ҳам, таълим берувчиларнинг фаолиятига ҳам ана шу мафкура тиқиштирилиб сингдирилган эди. Ўқитиш жараёнига эса мафкура ғояларига йўналган сон-саноқсиз ўқув курси дастурлари, фанлар жорий қилинаверарди. У бола учун керакми, керакмасми, бу мафкуравий ғоялаштирилган билимларни ўқувчининг ақлий имконияти қабул қилиб оладими, йўқми, деярли ҳисобга олинмасди, мажбурлаб ўқитиларди. Билим марказдан бошқарилгани учун миллий хусусиятлар, шарт-шароитлар инобатга олинмаган. Бу эса ўқувчини толиқтириш билан биргаликда, уни ўқишдан тамоман бездиради.

Таълимга «иккисиз, икки йилликсиз» сингари муносабатлар эса ўқитувчини оёқусизлантиришга, ўқувчининг билим олишга бўлган иштиёқини сўндиришга олиб келганлиги бугун ҳаммага аён.

Ана шундай таълим тизимида таҳсил олиб, кадр бўлиб етишган кишилар бугунги мустақиллик шароити эҳтиёжларига жавоб бера оладими? Уларнинг бир қисми эса педагог, тарбиячи ёки муайян ихтисос эгаси сифатида Ўзбекистон мактаби ва ўқув юртларида ёшларга сабоқ бераётганлиги сир эмас. Эски мафкуравий дарсликлардан сабоқ олган бу кишилар янгича қай даражада фикрлай олади, қай даражада ёшларга замонавий билим асосларини бера олади? Назаримда бу таълим тизими олдидаги туб ислоҳотни амалга оширишга ўтиш даврининг энг муҳим муаммосидир. Уларни ҳам мафкуравий, ҳам миллий, ҳам методик қайта тайёрлаш янги педагогик кадр тайёрлашдан ҳам мураккаб ишдир. Бироқ нима бўлганда ҳам бу вазифани амалга оширишга биринчи навбатда киришиш керак бўлади. Чунки эски уйни бузмасдан туриб, янги уй барпо этишимиз, аниқроқ айтганда янги таълим тизимини яратишимиз лозим.

Нега, бузмасдан туриб? Вақтни тизгинлаб бўлмаганидек, таълим-тарбия ишини маълум муддатга тўхтатиш мумкин эмас. Таълим-тарбия берувчини эса янгича фикрлаб фаолият кўрсатишга ўзгартишни эса мактаб ислоҳати бугун талаб этиб турибди. Шунинг учун педагог ихтисосига кўра талаб мезонлари (стандартлар) зудлик билан ишлаб чиқилиши, шу асосда ҳар бир муаллим, тарбиячи, халқ таълими ходимини синовдан ўтказиб, қайта ихтисосий тайёрлашни амалга ошириш керак. Бунинг учун моддий-ўқув базалари, мукаммал янги дастур, дарслик, қўлланмалар бўлишини олдга қўйилаётган мақсад талаб этади, албатта.

Ҳозир мамлакатимизда кўпгина фанлардан педагог-кадрлар етишмаётган (биргина Тошкент шаҳрида қарийб 3 мингга яқин ўқитувчи етишмайди), уларнинг ўрнини қоплаш учун нафақага чиққан муаллимлардан ҳамда олий ўқув юртларининг юқори курс талабаларидан фойдаланилаётган бир пайтда умум ўқитувчиларни қайта ихтисосга тайёрлаш мумкинми? Бизнингча, мумкин. Бунинг учун малака ошириш институтларигина эмас, қўшимча равишда педагогика институтларида қисқа муддатли кечки ўқув бўлимлари, зарур жойларда янги олий ўқув юртлари очишга тўғри келади, албатта. Молиявий таъминоти ва ташкилий томонларни эса ҳокимликлар, манфаатдор ташкилотлар ва ҳомийлар ҳал этсалар, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Соҳанинг раҳбарлик ташкилотлари эса дастурий, ўқувметодик ва профессор-ўқитувчиларни жалб этиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатсалар, мазкур муаммо икки йил давомида ўз ечимини топади, деб ўйлаймиз.

Ўқитувчининг янгича фикрлаши, таълимга янгича ёндошиши унинг мустақил ўз билим ва малакасини бойитиб боришига, айниқса, ихтисосига ва педагогик-психологияга доир адабиётлар, шунингдек вақтли матбуот, радио эшиттиришлари ва телекўрсатувлар билан танишиб боришига боғлиқ. Бунинг учун таълим муассасаси, туман, вилоят қутубхоналари фондлари талабга жавоб бера оладими? Йўқ, деб дадил айтиш мумкин. Нега деб берилган саволга эса мутасадди ташкилот раҳбарлари кўпинча бозор иқтисоди қийинчиликларини рўкач қиладилар. Бизнингча, бундай маърифий ишдан маблағни аямаслик керак.

Яқинда бир профессор билан суҳбатда бўлдим. У ўзи ишлайдиган олий ўқув юртининг кутубхонасига бир йил давомида бир мартагина зарурий иш билан (аспиранти илмий ишида қайд этган китоб номини аниқлаш учун) кирган. У институт кутубхонасидаги ўзгаришлардан ҳам бехабар эканлигини таъкидлаб: «Вақт йўқ, ука, ахир бўш қоп тик турмайдию, икки-уч жойдан қўшимча иш олганмиз», деди. Биринчи навбатда ўз ҳаётий эҳтиёжини қондириш пайида бўлган бу профессор талабаларнинг билимга бўлган эҳтиёжини ҳис қилармикан, — деган ўй хаёлимдан ўтди-ю, лекин: — ҳамма профессор-ўқитувчилар ҳам у сингари эмас-ку, деган фикр қалбимга таскин берди.

Ҳа, бозор иқтисодиётига ўтиш шароити ҳамма-ҳаммани, шу жумладан ўқитувчиларни ҳам синовдан ўтказяпти. Йил давомида кўпгина қишлоқ ва шаҳар муаллимлари билан суҳбатлашишга тўғри келди. Баъзилари рост гапни айтишди: «Китоб ўқишга вақт йўқ», «Нега?» — сўрайман. Баъзилари ийманиб жавоб беришади: «Экин-тикин дегандек, сигир-бузоқ дегандек... Ахир ишламасанг, бола-чақанг нимани тишлайди. Яна орзу ҳавас, тўймаъракa деган гаплар бор. Даромадига қараб буромадда!»

Турмушимиз тарзи ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келмадимикан? Йиғамиз-йиғамиз, бола-чака кўп деймиз ёки ишлаймиз-ишлаймиз бадабанг тўй қилиш керак, фалончидан камманми деймиз, сочамиз-совурамиз. Кейин китоб сотиб олишга оғринамиз, кутубхонага бориб мутолаа билан шуғулланишга вақтимизни қизғанамиз. Бир-бирига уланиб кетадиган сабаб оқибатдир...

Кўрпага қараб оёқ узатган маъқул, йўқса оёқ совқотади. Кўрпани кенгайтираман, бемалол ётаман дейиш мумкин. Бироқ, жамғарма йиғиш билан овора бўлиб, фикр ривожланмасдан қолса, бу бошни «совуқ» урди дегани.

Миллий дастур ҳақидаги фикрлардан чалғидингиз, деган ўйга боришингиз мумкин.

Ундай эмас. Дунё бир бутун. Ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ. Узимиздан соғлом авлод, озод ва обод ватан қолдириш учун ҳам шароитни тушуниб, унга мослашишимиз лозим.

Ўйлаймизки, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш, уни амалга ошириш Ўзбекистон тарихида учмас из қолдиради. Бунда ҳурматли зиёлиларимизнинг ибрати ўзига хос булади.

Маҳкам РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ДАМ ОЛИШГА НИМА ЕТСИН?

Тўрткўл туманида «Шўрахон» деҳқон фермерлар уюшмасига қарашли «Лочин» оромгоҳи ҳақида эшитганмисиз? Унда эшитинг. Оромгоҳда шаҳар ўқувчи ёшлар техник ижодиёти марказининг радио, суратқашлик, кино, авиамодель тўгараклари ташкил қилинган бўлиб, унда ёшлар касбларга бўлган ўз қизиқишларини намоён қилмоқдалар. Яқинда «Баракат» ҳиссадорлик жамияти томонидан музқаймоқ, 26 болага кийим бош хайрия қилинди. Эртаси куни эса «Шўрахон» фермерлар уюшмасининг ҳиммати билан жажжилар Хива шаҳрига саёҳатга бориб, дам олиб қайтишди. Ҳа, шундай жойда дам олишга нима етсин?

С. ОЛЛОБЕРГАНОВ

❀ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония либерал-демократик партияси вице-президенти Кейза Обучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

❀ **Шу йилнинг 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига қирққа яқин давлатдан санъаткорлар иштирок этиши кутилмоқда.**

❀ **«Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.**

JUMLADA JAHON

❀ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида «Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик — уни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

❀ **Афғонистонда толибларга қарши бирлашган кучлар Қобул шаҳрига ҳаво ҳужуми уюштиришди.**

❀ **Эронда Исроилнинг Фаластинга нисбатан олиб бораётган сиёсатига қарши ўтказилган норозилик намойишида бу борада Исроилни қўллаб-қувватлаётган АҚШ номига ҳам бир талай қораловчи шиорлар айтилди.**

❀ **НАТОга янги аъзолар қабул қилиш дастури пухта ишлаб чиқилмаганлиги боис, унга қабул қилинадиган янги давлатлар ўн йил мобайнида мазкур ҳарбий иттифоқнинг ҳақиқий аъзосига айланишлари мумкин экан.**

АБИТУРИЕНТ-97
ШАРТНОМА ҚОИДАЛАРИ
2-БЕТ.

1997/98 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ГРАНТЛАРИ
3—4-БЕТЛАР.

Yoz — o'tmoqda soz

АНДИЖОН ЎҚУВ МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ

Мана бир неча йилдирки Андижон вилоятида иқтидорли болалар Маркази фаолият кўрсатмоқда. Фан олимпиадаларининг ғолиблари бир ой мобайнида ўзлари ихлос қўйган фанлар бўйича олий ўқув юртлари олимлари ва етук педагоглар ёрдамида махсус дарс тинглар эдилар. 1997-98 ўқув йилидан бошлаб ушбу марказ вилоят ҳокимининг қарори ва Халқ таълими вазирлигининг розилиги билан Андижон «Артек»ига айлантириладиган бўлди. 8-11 синфнинг аълочи ва намунали хулқли ўқувчилари махсус йўлланма билан ўқув йили давомида умумтаълим мактаблари дастури асосида ишлаб чиқилган махсус режа асосида дарс тинглаш билан бирга ҳордиқ чиқариб саломатликларини тиклайдилар.

Бу ўқув Маркази давлатимиздаги ўзига хос биринчи ва яккаю ягона таълим масканит бўлиб шу йил июль-август ойлари вилоят ҳокимининг қарори билан инглиз, француз, немис тилларида машғулот олиб борадиган ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи сифатида иш бошлади. Беш сменада 500 бола 80 ўқитувчи ва тарбиячилар ёрдамида чет тилларидан билим ва малакаларини такомиллаштириш билан бирга мириқиб дам оладилар.

Мухбиримиз.

«Ma'rifat»ga javob beradilar

ГАЗЕТА МУҲАРРИРИЯТИГА

«Маърифат» газетасининг 1997 йил 11 июнь сонида «Айритомлаги айрича манзаралар» сарлавҳали мақоласи кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатилганидек, Қарши темир йўли бўлимига қарашли 4-сонли мактабнинг таълим-тарбия ишларида камчиликлар мавжуд. Республика темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компанияси билан келишилган ҳолда янги ўқув йилига қадар мактаб раҳбарияти иш фаолиятига баҳо бериш ҳамда мактабни таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгилаб олинди. Вилоят халқ таълими бошқармасига мактабга ўқув-методик ёрдам бериш топширилди.

Р. РАҲМОНОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Xabaringiz bormi?

Қандай хушхабар экан, деяпсиз, тўғрими?

Жиззахлик маорифчиларни суюнтирадиган, рағбатлантирадиган қарор.

Яъни вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони ва «Маърифат машъали» мукофотларини жорий этиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

Мустақил юртимизга тарбияси бут, фикри теран, ахлоқи гўзал ёшлар керак. Бундай ёшлар эса ўқитувчи, мураббийлар қўлида камол топади. Демак, ўқитувчини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, уни ҳимоя қилган ҳокимликлар асло ютқазмайдилар.

Жиззах вилояти ҳокимининг янги қарори ана шу мақсадга қаратилгани билан ибратлидир. Қарорга кўра, ушбу кўкрак нишони ва мукофотига вилоятда яшаб меҳнат қилаётган барча турдаги мактаб, гимназия ва махсус мактабларнинг ўқитувчилари, мактабдан ташқари, мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари ва тарбиячилари, халқ таълими соҳасини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган бошқа фуқаролар ва жамоалар тақдирланадилар.

Ушбу фахрий нишонга сазовор бўлганларга маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида устама ҳақ тўланиши «маърифат маъшали» мукофоти соҳиблари эса бир тўла энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида пул мукофотини олишлари ҳам қарорда белгилаб қўйилди.

Дастлабки мукофотларни 1996-97 ўқув йили якунлари муносабати билан топшириш кўзда тутиляпти.

ҲОКИМНИНГ ИБРАТЛИ ҚАРОРИ

МММ

ХАБАРЛАРИ

ҲАЁТИМИЗНИНГ НЕГИЗИ

Ўзгаришларни, янгиликларни ўрганиб, ўқувчининг ҳуқуқий тарбиясини эртароқ бошласак айни муддао бўларди. Сирдарё вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида шу масалага доир ижтимоий фанлар кафедраси ташаббуси билан вилоят прокуратураси барча туманлардан келган давлат ва ҳуқуқ асослари фани муаллимлари ҳамкорлигида ўрта мактабларда ҳуқуқий таълим-тарбия самарадорлигини ошириш усуллари мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни ижтимоий фанлар кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент А. Набиев очди. Шундан сўнг вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Р. Пўлатов ҳам сўзга чиқди. Ва давра суҳбати қатнашчиларининг берган саволларига жавоб қайтарди.

Н. ЖОНИБЕКОВА.

ЗАМИННИНГ ЧЎЛПОНИ ЭДИ

Чўлпон ҳаёти ва уни сўнмас ёрқин ижодий фаолияти, ўзига хос истеъдоди замондошларимиз, шеърият мухлислари қалбини ҳамиша илҳомлантириб келаётир. Қисқа, бироқ асрларга татигулик умри давомида заминнинг чўлпони бўлиб қолишдек бахтга муяссар адиб бугун ҳаёт бўлганида 100 ёшни қаршиларди. Адибни қутлуғ ёшини муборак этиш мақсадида Сурхондарё вилояти С. Термизий номидаги илмий кутубхонасида «Эрксевар адиб» мавзуида адабий кеча ўтказилди. Унда Термиз давлат университети ҳамда Термиз педагогика институти ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар. Термиз давлат университети профессори, филология фанлари номзоди Қаҳрамон Жўраев очиб берди. Талабалар эса, Чўлпоннинг ўсмирлик йилларидан тортиб умрининг сўнгги йилларига қадар бўлган машаққатли фаолияти тўғрисида маърузалар ва асарларидан парчалар тайёрлаб томошабинларга ҳавола этдилар.

Фотима ИСЛОМ қизи.

МММ

ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул бўйича Давлат комиссияси томонидан ТАСДИҚЛАНГАН 1997 йил 3 июль № 2.

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида» 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг барча ўқув юртларига татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида Низомга мувофиқ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига талабалар қабул қилиш бундан мустаснодир.

3. Ўқув юртларига тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар бир мутахассислик бўйича белгиланган давлат грантларининг умумий сонидан келиб чиқиб амалга оширилади. Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентлар ўқув юртларининг қабул комиссияларига Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қоидалари тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳужжатларни ва белгиланган намунадаги контрактни топширадилар.

Тўлов-контракт асосида абитуриентларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) қарорига кўра абитуриентларнинг мазкур тоифаси ўртасидаги тест синовлари натижалари бўйича ва улар ўқитишнинг тўлиқ қийматини тўлашлари тўғрисида тузиладиган контракт асосида амалга оширилади.

II. КОНТРАКТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

4. Шартноманинг томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

бир томондан — ўқув юрти маъмурияти номидан раҳбар;

иккинчи томондан — жисмоний ёки юридик шахс (буюртмачи).

5. Абитуриентлар ўқув юртига кириш учун зарур бўлган ҳужжатлар билан биргаликда қабул комиссиясига жисмоний ёки юридик шахс (буюртмачи) томонидан имзоланган контрактни жисмоний шахслар учун — икки нусхада, юридик шахслар учун уч нусхада илова қилинаётган шаклга мувофиқ топширадилар. Контракт бланки республика ўқув юртларининг қабул комиссиялари томонидан берилади.

6. Давлат комиссияси томонидан абитуриентни талабаликка қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ўқув юрти 25 августгача тўлиқ расмийлаштирилган контрактни ҳақ тўлаш учун абитуриентга қайтаради.

7. Абитуриентлар 5 сентябрдан кечикмай қабул комиссиясига тузилган контракт шартларига мувофиқ ўқиш учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида банк муассасасининг кирим ордерини (жисмоний шахслар учун) ёки тўлов топшириғини (юридик шахслар учун) топширадилар.

8. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ўқиш учун ҳақ тўланганлиги ҳақида тегишли тасдиқнома олингандан кейин ўқув юрти томонидан 10 сентябрдан кечикмай чиқарилади.

III. ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ

9. Ўқиш учун ҳақ тўлаш миқдори Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув юртларига эга бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишув бўйича белгиланади. Ҳар бир ўқув йили учун ҳақ тўлаш ўқишнинг кундузги шакли бўйича бир таълим олувчига харажатларни тўлиқ қоплаш миқдорида таълим йўналишлари бўйича алоҳида белгиланади.

Сиртдан ўқувчилар учун ҳақ тўлаш кундузги шаклда ўқиш қийматининг 60 фоизи миқдорида белгиланади.

10. Ўқиш учун ҳақ жисмоний ёки юридик шахс (буюртмачи) томонидан тўлиқ ёки контрактда белгиланган муддатларда бир йилда кўпи билан икки марта бўлиб тўланади.

11. Ўқиш таълим олувчининг шахсий ташаббусига кўра тўхтатилганда, ички тартиб қоидалари, ўқув интизоми бажарилмаганлиги ва академик ўзлаштирмаслик учун, шунингдек, контракт шартлари бажарилмаслиги туфайли у ўқишдан озод қилинганда илгари тўланган пуллар қайтарилмайди.

IV. ЎҚИШ УЧУН ОЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТОМОНИДАН САРФЛАНИШИ

12. Тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш учун тушган маблағлар ўқув юрти даромадига киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 июлдаги 236-сон қарорига мувофиқ маблағлардан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини жиҳозлаш, ўқув юрти ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилганда солиқларнинг барча турларидан озод қилинади.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми даромадлар умумий ҳажмининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим. Маблағларнинг қолган қисми асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олишга, тузатиш ишларини амалга оширишга йўналтирилади.

13. Ўқув юртлари томонидан ҳар йили календар йилга ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тушган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилади ва ўқув юрти бўйсунадиган вазирликлар ва идораларга тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ўқув юртлари ҳар чоракда, кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида бўйсунишига кўра вазирликлар ва идораларга тўлов-контракт асосида мутахассислар тайёрлаш учун тушаётган маблағлар бўйича сметаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этадилар.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш учун белгиланган муддатларда тасдиқланган шакл бўйича ҳисобот берадилар.

14. Тушган маблағлар тўғри сарфланиши устидан назоратни ўқув юртлари бўйсунишига кўра вазирликлар ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

1

Тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлашга

КОНТРАКТ

_____ш 1997 йил ____ _____

Давлат комиссияси томонидан Республика ўқув юртларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли тўғрисида 1997 йил 3 июлдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида иш кўрувчи (кейинги ўринларда олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юрти) _____

_____ номидан
(ўқув юртининг номи)

_____
(лавозими, Ф.И.О)

бир томондан ва кейинги ўринларда БУЮРТМАЧИ деб аталадиган

_____номидан
(юридик ёки жисмоний шахс номи)

_____ иккинчи томондан
(лавозими, Ф.И.О.)

_____ни
(абитуриентнинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

_____ бўйича
(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

_____ маълумотли мутахассис қилиб тайёрлаш тўғрисида
(олий,ўрта махсус)
мазкур шартномани тузадилар.

Томонларнинг мажбуриятлари:

1. Ўқув юрти:

– ўқитиш учун ўқув юрти уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратиш;

– талаба (ўқувчи)ларга қонун томонидан берилган ҳуқуқларнинг эркин амалга оширилиши ва ўқув юрти уставига мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

2

– мутахассисни тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларга мувофиқ давлат стандарти талаблари даражасида тайёрлаш;

– бошланадиган ўқув йилида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдорларини ҳар йили 1 сентябргача хабар қилиш;

– томонларнинг розилигига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади

_____
_____
_____

2. Буюртмачи:

жорий ўқув йили учун белгиланган ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида (ҳар йили, тўлиқ еки кўпи билан 2 марта бўлиб) тўлаш;

ўқитиш учун тўловнинг:

1) камида 50 фоизини _____ 5 сентябргача;
2) қолган қисмини _____1 мартгача ўтказиш мажбуриятини олади.

3. Ўқув юртининг абитуриентларни талабаликка қабул қилиш ҳақидаги буйруғи ўқиш учун тўланадиган ҳақ олингандан кейин, бироқ 10 сентябрдан кечикмай чиқарилади.

Контрактни бекор қилиш

1. Контракт қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

– таълим олувчи ўқув юрти уставига мувофиқ ўқув юрти маъмуриятининг ташаббусига кўра ўқишдан озод қилинганда;

– контракт шартлари буюртмачи еки ўқув юрти томонидан бажарилмаганда;

– узрли сабаб билан таълим олувчининг ташаббусига кўра;

– ўқув юрти еки буюртмачи (юридик шахс) тугатилганда. Ушбу ҳолда тегишли томонлар ўртасида янги контракт расмийлаштирилади.

2. Контрактга ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига кўра киритилади.

3. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Контракт ҳар икки томон уни имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

3

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ўқув юрти	Буюртмачи (юридик шахслар учун)
Почта манзили: _____	Почта манзили: _____
Тўлов реквизитлари: _____	Тўлов реквизитлари: _____
	(жисмоний шахслар учун)
	Ф.И.О. _____ (тўловчининг)
	Почта манзили: _____
	Паспорт:серия ____№_____
	(ким томонидан, қачон берилган)

Томонларнинг имзолари:

Ўқув юртининг раҳбари _____ (Ф.И.О.)	Буюртмачи – раҳбар _____ (Ф.И.О.)
М.Ў (имзо)	М.Ў (имзо)
Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О.)	Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О.)
	Жисмоний шахс _____ (имзо)

м4 2599

Tadbir

Бугун улар болаликка қайтдилар. Бугун уларнинг кўзларида баҳор, юзларида ёз кулади. Уша синфхона яна шовқин-суронга тўлди.

Энди Вазиранинг узун сочларини Рустам тортқиламайди. Матлубанинг сумкасини Ҳусан яшириб қўймайди. Атиргулни Қудратжон кузатиб бормайди. Абдуманноб Заҳрога атаб шеърлар ёзмайди. Насибанинг билимдонлигидан болалар зерикмайди.

Энди улар Комилжоннинг виқорли сўзларини ҳар куни соғинади, Насибанинг гўзал шеъларини қумсайди, Тоҳир, Тўлқин, Бахтиёрларнинг ким ўзарга айтган ҳангомаларию аскияларини, Муаттар, Муҳаррам, Тошбувининг «Уччала қиз чиқди ариқ бўйига» ашуласини зор бўлиб соғинадилар. Энди улар улғайган. Бугун уларнинг фарзандлари, набиралари бу муқаддас хоналарни шовқинларга тўлдирмоқда. Улар фақат бир нафасгина болаликка қайтдилар. Энди уларнинг ҳаммаси улғайган. Улар ота-она, устоз, мураббий, ишчи, раҳбар, масъул шахс.

Улар бугун қадрдон парталарга юзларини босдилар, кўзларини деворларга муҳрладилар, юракларини йўлакларга қолдирдилар.

... Дийдор, яхшиям бизга Оллоҳ шу улуғ неъматни ато этган. Инсон доимо интиқ яшайди, оиланг, фарзандларинг ёнингда бўлади, ота-онангни йўқлаб турасан, аммо...

Ҳа, юрак барибир дустга талпинади, дийдорни соғинади.

1972 йилда Тошкент туманидаги А. Каримов номидаги 1-ўрта мактабни (учта ўнинчи синф) 70 йигит қиз тамомлади. Уларни ҳаёт турли суқмоқларга йўллади. Ҳамма бахт қасрини қидириб йўлга тушди, қийинчиликларга, машаққатларга дуч келдилар, ҳаммасига бардош бердилар. Тақдирга тик

СЕН ЎША-ЎШАСАН...

қарай олдилар. Ютдилар, ютқаздилар. Умр эса оқар сув экан.

Мана бугун мактабда охирги қўнғироқ чалиниб, энтикиб-энтикиб хайрлашган синфдош орадан 25 йил ўтиб, яна энтикиб-энтикиб дийдорлашдилар. Юраклар безовта уради, юзлар, сўзларда ҳайрат, ҳаяжон акс этган. Улар фақат бир нарсани такрорлайди, «сен ўша-ўшасан»...

Ҳа, ҳаёт уларнинг юзларига ажин, сочларига оқ ташлаган бўлсада, умрнинг ғаниматини палласида-уйим-жойим, рўзғорим, фарзандларим, дея бахтли ташвишларга рўбарў қилган бўлсада улар барибир юракнинг бир четида болаликка жой қолдирганлар. Шунинг учун улар ўзгармадилар, ўша соф, беғубор болалиги қўйнидаги ёшликни эсладилар. Ҳаммасининг дилида, тилида бир сўз такрорланади, «сен ўша-ўшасан»...

Синфдошлар энг қадрдон инсон, синф раҳбари Қосимжон ака Муминовни йўқлаб хонадонига бордилар. Қосимжон аканинг қувончдан кўзларига ёш келади. У кишининг тасаввурида қолган ўқувчиларини бугун барчаси улғайган.

Тўкин дастурхон атрофига йиғилган қадрдонларни учрашувнинг ташкилотчиси Комилжон ака табриклаб, ҳаммани бир-бир болалик оламига етаклади. Мактабдаги энг қизиқ ҳангомалардан сўзлади ва бугунги кечанинг энг азиз кишилари, табаррук устозлари физика фани ўқитувчиси Мукамбар Эргашева, Людмила Марковналарга сўз бердилар. Мактаб директори Ирисбой ака сўзга чиқиб қуйидагиларни гапирди:

— Мен бугун бениҳоя бахтиёрман. Ўзимни директор эмас, балки ўша даврдаги ўқувчилар етакчисидек ҳис этяпман. Бизга дийдор керак. Мен сизларни 40-50 йилликларингда ҳам иштирок этишни хоҳлайман. Оллоҳ насиб этсин ўшандай бахтли кунларни.

Шу куни синфдошлар ораларидан бевақт ўтган собиқ синфдошлари Олимжон, Адҳамжон, Абдулла, Маҳбуба, Йўлдошбойларни ҳам хотирладилар. Ўтганлар руҳига қуръон тиловат қилинди.

